



КИССАВУРЛИК ЖИНОЯТИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ТЕЗКОР ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ ХОДИМЛАРИНИНГ ЎРНИ

Абдулхаев Абдулҳамид Абдумуталович

ИИБ Академияси Тезкор-қидирув фаолияти кафедраси

ўқитувчиси, подполковник

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7807543>

ARTICLE INFO

Received: 26th March 2023

Accepted: 06th April 2023

Online: 07th April 2023

KEY WORDS

Киссавурлик, ўғирлик, тезкор қидирув фаолияти, ҳуқуқ-тартибот ва қонунийлик, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонунийлик.

ABSTRACT

Ушбу мақолада Юртимизда киссавурлик жиноятини фош этишда тезкор қидирув фаолиятини ўрни ва соҳада олиб борилаётган ишлар ҳамда ушбу соҳада илмий фаолият олиб бораётган олимлар фикри ўрганилиб муаллиф томонидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Мамлакатда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Шу ўринда жамоат тартибини сақлашда тезкор қидирув ходимларининг ўрни алоҳида ўрин тутди. Жумладан, тезкор қидирув ходимлари қуйидаги вазифаларни бажаради:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳимоя қилинишини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш;

иккинчидан, жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларни фош этиш, шунингдек жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор шахсларни аниқлаш ҳамда топиш;

учинчидан, суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган шахсларни, бедарак йўқолган шахслар ва қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларни қидиришни амалга ошириш, шунингдек таниб олинмаган мурдаларнинг шахсини аниқлаш.

Бугунги кунда жамоат жойларида жамоат транспортларида кўпайиб бораётган жиноятлардан бири бу киссавурлик жиноятидир. Ушбу жиноят тури фуқароларнинг шахсий мулкига қарши жиноятлар орасида чўнтак ўғирлиги энг ижтимоий хавfli жиноят ҳисобланиб, чўнтак ўғирлиги (инлиз-ча пискинг поскетс - чўнтакларни тозалаш, чўнтакни шилиш, киссавур)¹ деган маънони англатиб, ўзбек тилини изоҳли

¹ Богданов А.В., Хазов Е.Н. Карманные кражи: история и реальность Вестник Московского университета МВД России № 3 / 2014 С.20.



луғатида киссавур [форсча - халтани, киссани кесувчи] чўнтак ўғриси; кўча-кўй, бозор ва бошқа жойларда кишиларнинг нарсаларини ўғирловчи шахс деган маънони билдиради².

Ҳуқуқшунос Ф.Ғаниевнинг фикрича, киссавурлик, яъни чўнтақдан пул ва буюмлар ўғрилиги, савдо дўконлари ва омборхоналарда содир этиладиган ўғрилик³ ҳисобланади деб тариф берган.

Бугунги кунда киссавурлик, яъни кийим, сумка ёки бошқа қўл юкидаги ашёни ўғирлаш республикамизнинг жиноят қонунига янги киритилган оғирлаштирувчи ҳолатдир. Киссавурликнинг ижтимоий хавфлилиги, *биринчидан*, унинг анча кўп тарқалганлиги билан, *иккинчидан*, айбдор бевосита жабрланувчининг ўзида турган мулкни тортиб олиши, агар эгаси ўз мулкига суиқасд қилинаётганини пайқаб қолса, унга нисбатан зўрлик ишлатилиши хавфи туғилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Масалан киссавурлик жиноятини ёритиш борасида ҳуқуқшунос Ҳ.Бобоқуловнинг фикрича, ўғрилик содир этилаётган вақтда кийим жабрланувчининг егида ёки қўлида бўлиши керак. Агар айбдор гардероб ёки илгичда осиб турган кийим чўнтагидан ашёни қонунга хилоф равишда олса, киссавурлик таркиби мавжуд бўлмайди⁴ деб ўз мулоҳазаларини билдирганлар.

Ушбу ҳуқуқшуноснинг фикридан қуйидагича мулоҳаза қилишимиз мумкин агар сумка ёки қўл юки жабрланувчининг қўлида бўлса ёки жабрланувчининг ўзида ёхуд унинг ёнида бўлса (масалан, жомадон, сумкани жабрланувчи хордиқ чиқариш, нимадир сотиб олиш ва ҳоказо учун ёнига қўйган бўлса), яъни бу ашёлар яна йўлга тушганида унинг ўзи билан бирга бўладиган бўлса, бу ҳолда Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисми «а» банди қўлланади.

Ушбу жиноятни фош этишда тезкор қидирув фаолиятни олиб боровчи ходимларнинг тезкор қидирув фаолиятини олиб бориши, жиноятни иссиқ изидан очиш натижасида ушбу жиноятга чек қўйиб келмоқдалар. Бугунги кунда ушбу ўғирлик тури асосан Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Қўқон шаҳарларида кўп учраб турмоқда.

Тезкор ходимлар киссавурликни фош этиш борасида ҳуқуқшунос Ж.Н. Низомиддинов қуйидагича тариф беради. Унинг фикрича, ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг тезкор-қидирув фаолиятининг усули, элементи, куч ва воситалари асосида тезкор-қизиқиш уйғотувчи ёки мазкур жиноятни содир этишда гумонланаётган шахс (шахслар)га нисбатан соҳавий хизматлари ва ва Миллий гвардия

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. П.

³ Ғаниев Ф. Профилактика инспекторлари томонидан ўғриликларнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этиш йўналишлари //Эурациан Жоурнал оф Лав, Финансе анд Апплиед Ссиенсес. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 159-162.

⁴ Бобоқулов Х. Ўғрилик нима, қилмиш қандай малакаланади?. Электрон манба: <https://qashqadaryo.uz/uz/nview/ўғрилик-нима-қилмиш-қандай-малакаланади-04-04>. (Мурожаат этилган сана: 06.04.2023й).



ходимлари билан ҳамкорликда тезкор-қидирув тадбирларни амалга оширишга айтилади⁵.

Ушбу жиноятни фош этишда тезкор ходимлар самарали ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, Зангиота туманида жорий йилнинг 18 август куни соат 10.00 дан 11.00 гача бўлган вақт оралиғида номаълум шахс, ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, киссавурлик йўли билан, «Бек барака» савдо мажмуаси ҳудудида жойлашган ош маркази ошхонасида мижозларга хизмат кўрсатаётган вақтида Самарқанд вилоятида яшовчи, 1975 йилда туғилган Д.Т.га тегишли нархи тахминан 1.500.000 сўм бўлган «САМСУНГ ГЕЛЭКСИ А-7» русумли уяли телефон аппаратини ўғирлаган⁶ ушбу жиноятни тезкор ходимларни самарали ишни ташкил этиши натижасида иссиқ изида фош этилди.

Ушбу жиноятни содир этилишига қуйидаги омиллар сабабчи бўлиши мумкин булар қуйидагилар:

биринчидан, жамоат транспортида йўловчиларнинг меъёрдан ортиқ бўлиши, тикилинч шароитда киссавурлик жиноятлари учун қулай шароитни юзага келтириши мумкин;⁷

иккинчидан, бозорларда, савдо расталари камералашмаганлиги бир сўз билан айтганда ахборот технологияларидан фойдаланилмаганлиги сабабли ушбу жиноятни сони ошиб бормоқда.

Ушбу киссавурлик жиноятини олдини олиш ва фош этишда қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур:

Биринчидан, А.А.Таштемиров таъкидлаганидек, содир этилган жиноят қуроли (предмети, воситаси)ни белгилаш, ҳуқуқбузарликнинг содир этилиш жойи бўйича аниқлик киритиш, содир этилишга имкон берувчи шарт-шароитлар юзасидан вазиятни баҳолаш⁸ борасидаги тезкор ходимларни кўникмаларини ошириш учун устоз шогирд ананасини янада такомиллаштириш;

Иккинчидан, бозорларни ва савдо расталарини тўлиқ камералаштириш чораларини кўриш бу борада тезкор вакиллар бозор маъмурияти билан тўлиқ ҳамкорликни йўлга қўйиши;

Учинчидан, ушбу жиноятни содир этган шахсни шахсини аниқлашда юздан шахси аниқловчи планшетлар билан тезкор вакилларни ҳам таъминлаш чорасини кўриш;

Тўртинчидан, ИИВлиги тизимида кичик тезкор ходимлар штат бирлиги ошириш ҳамда ушбу лавозимга тайинлашда уларни тезкор қидирув фаолияти билан шуғулланиш борасидаги қобилаятлилигига эътибор қаратиш.

⁵ Низомиддинов Ж. Н. Ў. Киссавурликни олдини олиш ва фош этишда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш тартиби //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 30-36.

⁶ <https://kun.uz/news/2017/09/09/bek-barakada-kissavurlik-kilgan-kiz-uslandi>.

⁷ Хайитов М. Жиноят ишини юритишга масъул бўлган субъектларнинг профилактик фаолиятини самарали ташкил қилишнинг айрим масалалари //Обзор законодательства Узбекистана. – 2020. – Т. 1. – №. 4. – С. 64-66.

⁸ Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 14. – С. 320-327.



References:

1. Богданов А.В., Хазов Е.Н. Карманные кражи: история и реальность Вестник Московского университета МВД России № 3 / 2014 С.20.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. II.
3. Ғаниев Ф. Профилактика инспекторлари томонидан ўғриликларнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этиш йўналишлари //Эурациан Жоурнал оф Лав, Финансе анд Апплиед Ссиенсес. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 159-162.
4. Бобоқулов Х. Ўғрилик нима, қилмиш қандай малакаланади?. Электрон манба: <https://qashqadaryo.uz/uz/nview/ўғрилик-нима-қилмиш-қандай-малакаланади-04-04>. (Мурожаат этилган сана: 06.04.2023й).
5. Низомиддинов Ж. Н. Ў. Киссавурликни олдини олиш ва фош этишда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш тартиби //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 30-36.
6. <https://kun.uz/news/2017/09/09/bek-barakada-kissavurlik-kilgan-kiz-uslandi>.
7. Хайитов М. Жиноят ишини юритишга масъул бўлган субъектларнинг профилактик фаолиятини самарали ташкил қилишнинг айрим масалалари //Обзор законодательства Узбекистана. – 2020. – Т. 1. – №. 4. – С. 64-66.
8. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 14. – С. 320-327.